



# ЎРРИЯТ

## МУСТАҚИМ ГАЗЕТА

20-26 декабрь  
2000 йил  
50 (203) - сон

Чоршанба кунлари чиқади 1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

**ҚОДИРОВ**  
Ҳукм ва афв ўртасида  
туғилган мулоҳазалар

**БОҚИЯ**  
ЭЪТИҚОД  
ШАЙДОЛАРИ

**ИҚБОЛНИНГ**  
ГУЛХАНИ

**4-БЕТ**  
INTERNATIONAL LIFE



### МУШОҲАДА

# ОЛАМЛАР СЕССИЯДАН

## УМИДВОР

### Парламент шу умидларни оқлаш тарафидида

Олий Мажлис сессияси арафасида оддий одамлар орасида бирдан қизиқиш кучайиб кетади. Сессияда қандай янгилик юз бераркин? Қандай янги қонунлар муҳокама этиларкин? Бевоқиф турмуш тарзига таъсир ўтказадиган чора-тадбирлар ишлаб чиқариладими? Хатто 1992 йилги Давлат заёмлари қачон қайтарилади? Шу саволга ҳам сессиядан жавоб кутишди. Сессия арафасида Миллий тикланиш демократик партияси ҳамда "Адолат" социал-демократик партияси фракциялари йиғилишида Республиканинг ақинда таъинланган Молия вазири Мамаризо Нурмуҳаммадов келгуси йил бюджетни ҳақида батафсил маълумот берди. Фракция аъзолари вазири жанобларини чинакам маънода саволга қўлиб ташладилар. Жумладан, заём ҳақидаги саволга вазири, келгуси йил бюджетда бу масала назарда тутилмагани, лекин яқин йилларда у албатта қўриб чиқиладиган эзгу истак маъносида маълум қилди.

Республиканинг бир йиллик бюджетни ҳақида сўз юритилганидан бўлса, нуқул рақамларни тилга олишга тўғри келади. Ҳар бир рақам остида олам-олам маъно борлигини эса ҳамма ҳам бирдек фахлдан етаетвермайди. Бюджетга дахлдор ҳужжатлар орасида давлатларнинг қўлиги ҳам шундан далолат беради. Келтирилган жадваллардан биттасига, яъни Республика бюджетни даромадларида худудлар, яъни вилоятлар улushiга назар ташланг (фоиз ҳисобида):

Қорақалпоғистон Республикаси	0,06
Андижон вилояти	0,34
Бухоро вилояти	5,0
Ҳаттоқ вилояти	0,4
Қашқадарё вилояти	12,8
Навоий вилояти	1,0
Наманган вилояти	0,8
Самарқанд вилояти	1,3
Сурхондарё вилояти	0,08
Сирдарё вилояти	0,09
Тошкент вилояти	6,1
Фарғона вилояти	7,0
Хоразм вилояти	0,10
Тошкент ш.	64,93

Келтирилган рақамларнинг ўзиёқ Республика миксидидаги иқтисодий-социал манзарани, даромади буромидани биринчи кенг тасаввур этишга ёрдам беради.

Кенг халқ оммасининг Олий Мажлис сессияларига қизиқиши, сессиядан умиддорлиги ортиб бораётгани ҳусусида сўз бошлаган эдик. Мен бу қизиқиши халқ оммасининг қонунлар қабул қилишдаги фаоллашуви деб таърифларим бўлур эдим. Ҳақиқатан ҳам одамлар қабул қилинаётган қонунларга бефарқ эмаслар, қонунларнинг турли табақа вакиллари учун бирдек аҳамият касб этишини жуда-жуда астайдилар. Чунки, шундай қилинган тақдирдагина қонун жамиятда адолат мувозанатини сақлаш воситасига айланади, ҳуқуқий камситиларга йўл қўйилмайди.

Конституциянинг 8 йиллиги тантанаси маросимидида нутқидида Юртбошимиз айни шу масаланинг муаммо сифатида ҳамон сакланиб қолаётганини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, Бош қомусимизнинг 18-моддасини ўқиган одамнинг бахри-диди очилади. Бош ҳужжатимиздаги қуйидаги гаплар ҳаётда акс этишини жуда-жуда астайдилар.

Шакси ва ижтимоий маъқадан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Нақадар инсонпарвар, нақадар адолатпарвар модда! Лекин... қонунан берилган имтиёзларни қўя туройлик, лекин мансаб-мартаба, бош-бадавлатлик қонундан зўрроқ қиёш ҳоллари истоганча учрайди. Вақоланки, жамиятда эгаллаб турилган маъво қонунни четлаб ўтиш воситаси эмас. Пул — қроғза муҳрланган озолик, деган кинояли накл бозор муносабатларига ўтаётган жамият кишилари ҳаётида роса-а кўл қелишига ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Нима эмиш, қонунни бемалол бузавер "шаъқаси"ни бериб текислаб кетаверамиз! Президент ўша тантанада жон кўйдириб гапирган гапларини қачон одамлар (тўғрироғи, катта-кичик раҳбарлару бойваччалар) тўғри қабул қилдилару, қонунга риоя қилиш қачон умумузбек миллий кадриятига айланади — башорат қилиш жуда-жуда қийин... Вақоланки, ҳуқуқий-демократик жамият ХАММАНИ рўшноликка олиб чиқади, ХАММА учун яхшидан-яхши шарт-шароитларни вужудга келтиради, чинакам ИНСОННИЙ турмуш тарзи йўлга қўйилади. Наҳотки, шу буюқ ҳақиқатни ўқидириш шунчалик мушкул бўлса?!

"Конституция жуда мукаммал бўлган тақдирда ҳам жоҳил халқ қўлигича қолаверадим", деган экан XVIII асрда яшавган француз олим ва сиёсий арбоби Жан Антуан Кондорсе. Ислол Каримов Конституция боғдан тортиб, то олий ўкув юртлигига қачон ўргатилиши, ўқитилиши зарурлигини алоҳида топшириқ сифатида таъкидлади. Сессиядаги нутқиди эса қабул қилинаётган барча қонунлар лигини алоҳида эслатиб ўтди. Демак, Бош қомусимиз билан бир вақтда қонунларни кенг оммалаштириш имкони ҳам туғилади.

"Ташкентская правда"нинг бош муҳаррири Аъло Ҳўжаев Польша парламенти биносига йилга 150 минг мактаб ўқувчиси танишиш учун ташриф буюришини ёзди. Мана, ибрат! Президентиш топшириғининг нақадар муҳимлигига жонли бир далил! Аъло Махсумовичнинг ёзишича, Польша парламенти мажлисида 1000 тағача журналист учун жой ажратилган экан! Улар акредитациядан ўтказилар экан! Бу ҳам ўйлаб кўрса арзийдиган таъриба эмасми?!

### БЎСАГА

# ЯНГИ АСР — БУЮКЛИК АСРИ

## Истиқлол ва истиқбол!

Бу сўз юртимиз шаҳар ва қишлоқларига илк бор 1991 йилнинг сентябрь ойида қилиб келди. Истиқлол эскича тартибларга ўзбек халқининг шаъни ва гурурини, диний ва маънавий урф-одатларини поймол қилган зўравонлик ва жаҳолатга қарши нури тоғ эди. Истиқлол! Янги асрга, янги миғ ийилликка қадам қўяётган гузал онларда, субҳли тонларда бу сўзини, бу эркин анадда алоҳида ҳаяжон, алоҳида ҳис-тўғу билан тилга оламиз. Асрга татигулик кунларимизни кўра олмаётганлар ҳам йўқ эмас. Терроризм, экстремизм эндигина жаҳонга юз тутаётган халқимиз йўлларини бекитишга ҳаракат қилмоқда. Озоликни мерос қилган янги авлодининг тарбиясини қўлга олиш ва ўзимизга қайта қайраб юбориш мақсадида уларни ўз гирдобига тортишга интиломоқда.

Февраль воқеалари кечган мудҳиш кунларда, террорчилар Саросиёб ва Узун тумани орқали чегарамиз сарҳадларини бузиб қирган кезларда икки ўғлимиз Ватан ҳимоясида эди. Бирини Бухорода хизмат қиларди. Бирини Бўстонликка ташланган эди. У кезлардаги менинг уйқусиз ўтказган тунларимни, шому саҳарлаб интиқиб-интиқиб Аллоҳдан фарзандларимизга омонлик, юртимизга тинчлик тилаганларимни ёлғиз яратган эгам билди. Ишончим қомилки, у кунлар биргина мен эмас, мен каби миллионлаб оналар тунни бедор ўтказиб, тиловат қилиб чиққан бўлса ажаб эмас.

Ахир ҳар бир ота-она боласининг бўйлариди Ватан юксакликларини кўради, жиғибанларининг кўзларида қувонч резаганда, эл ўзидида нури туяди, овозлари ўғил болага хос дўриллаб, ҳаракатлари эл-юртга хос қадрлиқлар, фазилатлар намоеён бўлаётганида чексиз қувонади. Юртини ва унинг ўғлонларини бир-бирдан ажратиб бўладими?! Ахир юрт тинч дегани — ўғлонларимиз тинч меҳнат қилипти дегани! Шуларни мулоҳаза қилаётган онамнинг: "Юрт ичкарисидаги юк ҳеч қачон аёллару кексаларга қолмасин. Юртининг юқини ўғлонлар оқалаб юрсин. Бизнинг ёшлиғимиз уруш йилларига тўғри келиб, фронт орқасида фақат

бола-бақраю кексалар ишлаган эдик" деб айтган сўзлари бот-бот ҳаёлимга келаверади. "Онажон! — дедим бир кун. — Сиз ҳожи онасиз. Муқаддас жойларни зиёрат қилгансиз. Болаларимни дуо қилинг, эсон-омон бағримизга қайтишин". "Юртга отилган тош, болаларимизга отилган тош. Фарзандларингиз қирган тикан сени безиллатди. Сенга қирган тикан — менга қирган тикан, сўрамасан ҳам куну тун дуо қиламан. Бироқ сен дуо қилишдан олдин Аллоҳга шўқронангни айт, болам, — деб қолдилар. — Бўйи бўйин билан бўйлашди, Ватан қорига яраб қолишди. Шайтончаларнингнинг армияда хизмат қилиши учун вази етмаган экан, уч литр газвода ичиб вазини келтириб олишибди. Уғил болалиги, шўқлиги, олдида мақсади борлиги шу-да, болам. Болаларининг раёйига қараб армиядан олиб қилишга интилаётган ота-оналар ҳам йўқ эмас". Президентимиз XXI асрнинг дастлабки йилни Оналар ва болалар йили деб эълон қилдилар. Янги миғ ийилликнинг дастлабки йили Оналар ва болалар йили деб аталди бу оналарга бўлган эҳтиромнинг, болаларга бўлган меҳрининг тимсоли!

### НИЯТ

# ЧАҚАЛОҚ ЙИГИСИ ЯНГРАСИН

Бирор-бир сабаб билан ишга боролмай қолсам, тарбиямдаги болаларимни шу наҳаям соғинаманки! Болаларни айтмайқисим! Улар ҳам биз тарбиячиларни кўрганга худди ўз оналарини кўрганга қадар, қанот қоқиб учиб қелишадилар, ўзларини бағримизда отишадилар. Болалар боғчасидаги муаммолар, қийинчиликлар ҳақида вақти-вақти билан гапиримиз, аммо-лекин ана шу соғинч лаҳзаларида барча қийинчиликлар унутилиб кетади. Яна ва яна ўз ишимиздан, касбимиздан миннатдор бўлиб қўямиз.

Ортиқова, услубиятимиз Нодирхон Муслимова, шунингдек Саноят Жўраева сингари таърибали тарбиячилар доим болалар кўнглига йўл топиш, уларни замонамизнинг етуқ фарзандлари бўлиб воғая етишлари ҳақида фикр-лашамиз. Демак, боғча тарбиячиларининг қиёш болаларни янги йилдан кутган БОШ мақсади битта: муҳтарам Юртбошимиз айтганларидек, фарзандларимиз бизлардан кўра бахтлироқ, ақлироқ бўлиб воғая етсалар, бизлардан кўра фаровонроқ яшасалар бас! Албатта она — аввало оила бекаси, унинг тинчи-хотир-жамлиги, иш жойидаги меҳнати унинг оиласидаги шарт-шароитга чамбарчас боғлиқ. Мен беш фарзанднинг она-

### АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Келгуси асрнинг биринчи йили учун обуна мавсуми роса авж палласига чиқди! Ҳар бир газета бош муҳаррирининг столи устида обуна жадвали турибди ҳаққа муволаға эмас. Бу жадвалдаги рақамлар дафта, кун сайин, 10 кунлик кўрсаткичлар сайин ўзгариб бормоқда. "Хуррият"да ишлар қандай кетмоқда? Карвонбошлик кутилмаганда Тошкент шаҳри обуначилари қўлида бормоқда! Ундан сўнг Андижон вилояти муштарийлари гайрат кўрсатишмоқда. Навоий, Сурхондарё, Сирдарёда ҳам ишлар чакки эмас. Наманган, Фарғона, Бухорода ўтган йилги сурьат сезилмапти. Кўнига хат-хабар келиб турадиган, мухлисларимиз кўнгирақлари тиним билмайдиган Хоразм ва Қашқадарёдаги аҳвол кишини жиддий ўйга толдиради. Наҳотки, "Хуррият" бу вилоятдаги муштарийлари ишончини қозонмаган бўлса? Наҳотки, хоразмлик ва қашқадарёлик газетхонларимиз биздан ранжиган бўлишса? Қорақалпоғистонни тушунамиз, улар Республикаимиз пойтахтида бўлиб ўтган маданият кунларини эсон-омон ўтказиб олган, обунага гайрат билан киришадилар, буниси муқаррар! Жиззахни ҳам, асти қувверасиз, гўё Жиззахда газета ўқимаса ҳам бўлаверадим, жиёзхалиқлар учун "Хуррият", на хур СЎЗ даркор. Энг кам обуначи қайси вилоятда деган ҳақ

сима, уларнинг соғлиги, ақли, одоли бўлишлари менинг баҳтим. Шу йилнинг кеч кузида тўнғич ўғлимизни уйлантирдик, ҳозир уйимизга янги келинчакнинг қадамларидан, ҳушчақчақ овозларидан ўзгача файз қирган. Шундай экан, янги йилдан нима кутасиз десалар, табиий, Худодан шириндан-шакер невари сўрайман, дейман. Нафақат бизнинг уйимизда, балки янги оила қурилган ҳар бир хонадонда чақалоқнинг йиғиси янғрасин. Бошқа барча улуг ниятлар ҳам шу орзу-хавастан бошланади. Навоира ҚАЮМОВА, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани 78-боғча тарбиячиси

### КВЕРЕШИГА СУИҚАСД

Покистон Ислол партиясининг собиқ раҳбари Аҳтар Қвереши саҳар намози учун Карачидаги масжидга кетаётганида бир қимса томонидан отиб ўлдирилди. Қотил ва қолган 2 киши машинада қочишди. Охириги пайларда Карачида содир бўлган миллий, диний ва сиёсий тўқнашулар сабабли қозлаб одамлар халқ бўлди. Қотиллик Карачи ва Лахорда юзлаб партия тарафдорлари 14 ойлик ҳарбий ҳуқумат раҳбари генерал Парвез Мушаррафининг истеъфода чиқишини талаб қилган кундан сўнг содир этилди.

### БМТ ТАПАБИ РАД ЭТИПДИ

Афғонларнинг янги санкцияларга қарши зарба беришдан қўрққан БМТ ўз чет эллик ходимларини Афғонистондан чакириб олмоқда. Мамлакатда фаолият кўрсатаётган 50 га яқин БМТ ходимидан 30 таси ўтган ҳафта Афғонистонни тарқ этишди. Қолганлари Қобулдан кетиш тарафидини кўрмоқда. БМТ Хавфсизлик консули Толиболарга қарши янги санкцияларни ихро этиш ҳақидаги резолюцияни қабул қилиши қўтиломоқда. Санкциялар Толибол раҳбарларининг саъватини ва уларнинг ташқи дипломатик ходимлар сонини қисқартиради ҳамда қурол эмбаргосини яратди. АҚШ ва Россия қўллаб-қувватлаган резолюция Толиболлардан саудиялик террорчи бин Ладени АҚШ ёки бошқа давлатга берилишини талаб қилди. Афғонлар айбловларини рад қилди ва санкциялар оддий афғон халқига зиён етказишини айтди.

### НИШОНДА — ПРЕЗИДЕНТ!

Жанубий Африканинг Мудоба вазириги армия инструктори аскарларига президент Табо Мбеки ва бошқа раҳбарлар тасвирланган нишонларга ўқ отиш буйриғи ҳақидаги хабарни ўрганмоқда. Аскарлар буйруқни бажармаган ва бошлиқларига хабар берган. Уқ отиш буйрича инструктор капитан Томас Класан истеъфого чикди.

### РОССИЯ ВА КАНАДА ХАМКОРЛИГИ

Россия президенти Владимир Путин Кубага қилган сафаридан сўнг икки кунлик ташриф билан Канадага борди. Путин Канада бош вазири Жон Кретьен билан икки давлат ўртасидаги халқаро муносабатлар ва иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўбхатлашди. Россия президентининг асосий мақсади давлатларо иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантиришдир. Канаданинг Россия билан савдоси фақат 0,2 фоизни ташкил этади.

### 3-БЕТ

МУНОСАБАТ

МАҚСАД ЭЗГУЛИК БЎЛСА...

Ёки Шухрат ЖАБОРОВга очик хат

"Хуррият"нинг 42-сонидagi "Ор-номуснинг таржимаси борми?" сарлавхали мақола...

мазмун-моҳиятга эга бўлиши, унга хос таълим этилиши табиий эмасми?

Мустақил юртимизнинг пурқосият тупроғи кўзларимизга тўтиб...

Аммо ор-номуссиз... халқ ҳам бормикан? Заманда истиқомат қилаётган халқлар ҳаётидаги бундай нозик томонлари ўрганиш...

Хар қайси миллат вакилининг ор-номуси ниҳада намён бўлади? Авваламбор, унинг она юртига садоқати...

Бунга эса ўз-ўзимизга ҳамду сано ўқиш, бошқа эллар, тиллар, маданиятларни билиб-билмай камситиш билан эмас...

Мисол учун, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентда яшаган рус адабиси Марина Белкинанинг ёзишча...

Отабек ва Кумуш образларида А.Қодирнинг миллатнинг ор-номуси, ҳалол ва фозил фарзандлари тисолини яратган, тўғрими? Шу ўринда Пушкиннинг Татьянасини эсласак-чи?

Бозор Илёс ал-АМИН Термиз шаҳри ТАХРИРИЯТДАН: Сурхондарёлик жонқуяр ва фидойи зиёлиларимиздан Бозор Илёс ал-Амин куюниб ёзгани бежиз эмас...

ХИМОЯ

Шу йилнинг июлида Сирдарё вилоят судининг судьяси Ж.Йўлдошев раислигида фуқаро Нарзулла Қодировга оид жиноий иш юзасидан қарий бир ойга чўзилган суд муҳокамаси ниҳоясига етди.

1999 йилнинг 14 январь куни Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари подполковник Нарзулла Қодиров тергов ишларини назорат қилиш мақсадида Жиззах шаҳар ички ишлар бўлимининг 1-бўлинмасига йўл олди.

Қодиров айтиб ўтганларимиз — Н.Қодировнинг Сирдарё вилоят судида берган кўргазмасидан. Қодиров судда яна шуни маълум қилдики, у Л.Антонова ва унинг ноқонуний эри Т.Мусадзев ўша кеч шаҳар ички ишлар бўлимига олиб келинганда, кейин қўйиб юборилганлигини бир ойдан кейин билган.

ёзиб қўйиш учун аризуликлардир. Ҳукмдаги бир жумлага аҳамият берайлик. "Н.Қодиров, — дейилди унда, — ИИБнинг участка нозирини Х.Амируллоев орқали Л.Антоновани..."

Асосий гувоҳ Исаева бўлганлиги учун ҳам биз у билан бафуржа гапланиб олиш ва ҳақиқатнинг тубига етиш учун аёл истиқомат қилинадиган Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманига йўл олдик.

ҚОДИРОВ ҲУКМ ВА АФВ ЎРТАСИДА ТУФИЛГАН МУЛОҲАЗАЛАР

унинг бизга тўлқинланиб, кўзда ёш билан гапириб берганлари (судда ҳам у айнан шу гапларни тасдиқлади): "Мен кунлардан берида Жиззах шаҳридаги танишим Муҳаббат Рашидованинг уйига бир иш билан бордим, балого қолиб кетдим."

Баҳор кунларининг бирида, тунги соат иккиларда эшигимиз ёнига енгил машина келиб тўхтади. Бир киши тушиб, ўзининг Жиззах вилоят прокуратурасида терговчи бўлиб ишлаганини, исми-шарифини Шеркул Номозов эканлигини айтиб, ҳозирнинг ўзида мени Жиззах шаҳрига олиб кетиши кераклигини айтиди.

Шу кетганим бўйи роппа-роса 24 соатдан кейин, яна кечаси соат 2 да ўзлари уйимга олиб келиб қўйишди. Уларнинг талаби фақат битта эди: Қодировга қарши кўргазма бериш!

14 январдан 21 январгача Мусадзев прокурор номига хотинининг ўша кеч гўёки ноқонуний тарзда ушлаб қолinganи ҳақида 4 марта ариза ёзиб, кўргазма беради. Бирок тўртала кўргазманинг биронтасида ҳам Қодиров уни урганлиги ҳақида лом-мим демайди. Фақат орадан 7 кун ўтиб, у прокуратура терговчисини Ф.Исломов ҳузурда сўроқ бераётганида бирданига Қодиров уни

буйруқ бермаганлиги хусусида айтиди. Фақат битта кўргазмасида унинг Қодировдан шундай буйруқ олганлиги ҳақида гап бор. Лекин кўп ўтмай Амируллоев ўзининг республика Бош прокуратурасига ёзган тавба-тазарру хатида у мазкур кўргазмани вилоят прокуратураси терговчисини Ф.Исломовнинг таъйиқи ва алдовиди остида ёзганлигини эътироф этган.

Энди яна бир гувоҳ Гулнора Қўчқорованинг кўргазмасига қўлоқ тутайлик: "Менга терговчи 14-хонада бир рус аёли ўтирганлигини, уни таниб олишим кераклигини, гўёки унинг йилга турганини кўргазмани тасдиқлаб кўргазма беришим лозимлигини айтиди."

Жабрланувчи Мусадзени судга олиб келиш учун Жиззах шаҳрига уч марта чақурув қозони жўнатилди. Учала қозонинг иккинчи қисмларини у судга албатта етиб келишига ҳақида шаҳсан имзо чеккан ҳолда қайтариб жўнатди. Бирок келмади. Кимдир унинг Россияга кетиб қолганлиги ҳақида гап топиб келди. Аммо айрим маълумотларга қараганда у ҳеч қандай кетмаган, балки ҳали ҳам Жиззах шаҳрида таралла бедод қилиб юрибди.

Қодировнинг химоячилари Мусадзев судда албатта иштирок этиши кераклигини, зотан, судни жабрланувчининг иштирокисиз ўтказиш ҳуқуқ-процессуал нормаларининг ҳукм ости қилинишидан бошқа нарса эмаслигини, суд ўзининг ушбу қарарлари билан республика Жиноят-процессуал Кодексининг 433-моддасини қўпол равишда бузётганлигини қайта-қайта уқтирдилар. Бу хусусда судга бир эмас, икки марта расмий илтимосномалар киритдилар. Лекин натижа бўлмади.

Мусадзев судга етиб келган тақдирда шундоғам чок-чокидан сўкилатиб бораётган жиноят иши баттар чуваллашиб кетарди, қолаверса, дастлабки тергов пайтида берган кўргазмаларида бири-бирини инкор қилувчи 11 та ҳолат мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 486-моддасига биноан суд жабрланувчининг кўргазмаларидаги бу қарама-қаршилиқларга барҳам бермай туриб, уларга асосланган ҳолда ҳукм чиқариш мумкин эмасди...

Келинг, ўша қарама-қаршилиқларнинг баъзиларига кўз югуртирайлик. 14 январдан 21 январгача Мусадзев прокурор номига хотинининг ўша кеч гўёки ноқонуний тарзда ушлаб қолinganи ҳақида 4 марта ариза ёзиб, кўргазма беради. Бирок тўртала кўргазманинг биронтасида ҳам Қодиров уни урганлиги ҳақида лом-мим демайди. Фақат орадан 7 кун ўтиб, у прокуратура терговчисини Ф.Исломов ҳузурда сўроқ бераётганида бирданига Қодиров уни

урганлиги ҳақида "эслаб" қолади... Қизикми, ажаблантирарлими? Мусадзени 1999 йилнинг 21 январидан то 15 ноябргача прокуратуранинг масъул ходимлари Исломов, Тўхилев, Номозов сўроқ қилдилар. Бир терговда Мусадзев ўша учун ички ишлар ходимлари унинг соати ва 10 сўм пулини олиб қўйишганлигини айтиди. Иккинчи терговда эса пул миқдори 35 сўмга кўтарилди. Учинчи терговда энди 30 сўмга тушади ва олиб қўйилган нарсалар қаторига нафақажўрлик ҳақидаги ҳужжат ҳам қўшилиб қолади. Тўртинчи сўроқ пайтида пул миқдори энди 25 сўмни ташкил этади... Энг қизиги шундаки, Мусадзев ўша тўрттала сўроқ протокоliga ҳам шаҳсан ўзи "тўғри" деб имзо чеккан...

Энг қизиги, Қодиров урганлиги ҳақида бирон-бир ҳужуқни химоя қилиш идорасига Мусадзевнинг шаҳсан ўзидан ариза тушган эмас. Яна бир муҳим нарса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал

НАШР


"МУСТАҚИЛЛИК МОҲИЯТИ" — ЁШЛАР НАЗАРИДА

Юртимиз истиқлолининг ўнинчи йилида ашмоқдамиз. Бу йиллар мобайнида Ўзбекистон улкан ютуқларни қўлга киритди, кишилар онгда ҳам юксалиш томон беғижга ўзгаришлар юз берди. Мустақиллик, айниқса, ёшлар тафаккурда улкан ўзгаришлар ясади. Бугунги ёшларимиз тафаккур-янгилиниши борасида катталардан анча ўзиб кетишди. Эндиги ёшлар анча журналистлор, гайрат-шижоатлор қибк қилишди. Фафур Гулом номдаги Адабиёт ва санъат наشريётида ёш журналист Шерхон Қоравнинг

мақола ва сўхбатлар тўпламидан иборат "Мустақиллик моҳияти" рисоласи нашр этилиши ҳам буни яққол исбот этади. Сабаби, шу пайтгача журналистларимиз эзлик-олтимиш ёшга етгунча бундай ишга қўл уришга сал иккиланиб-қўл туришган. Бошқачароқ айтганда, журъат қилишмаган. Шунинг учун ҳам танқидли журналистларимизнинг мақолалари китоб ҳолига келтирилганини энди-энди кўрмоқдамиз.

ларини тўплаб китоб қилишга улгурган ёш журналист Шерхон Қорав бу борда катта ютуққа эришганини эътироф этмоқ жон. Қолаверса, мустақиллик моҳиятини теран аниқлаб олишга интилаётган бугунги ёшлар уни айнан тенгдошлари қаламида ўқисалар, англаш жараёни бирмунча осонроқ қилиши турган гап. Шу боисдан ёш ҳамкасбимизнинг ушбу муваффақияти олқишларга муносиб.

Шаҳноза ГОИПОВА



ТЕНГЛИК

ХОТИРА

Жамолдин ака билан биринчи марта 1960 йилда, Ўзбекистон радиосининг адабиёт бўлимида ишлаб юрган чоғимда учрашганман, ўшанда мен "Қувнок тўлкинда" ҳажвий эшиттириш тайёрлардим. Эрталаб тахририятда ўтирсам, чапансифат бир одам кириб келди, исми-шарифини айтиб мени йўқлади. Сўраган одам мен эканлигини айтиди. — Ив, "Қувнок тўлкинда" дек зўр эшиттиришни қилдиган одам шунанга чалдиворхонада ўтирадими? — деб шанилладим кимса. Уша кезларда радио тахририяти бир қаватли пасткам бинода жойлашган, хоналар ҳақиқатан хароб эди. Мен бу катта оғиз одам ким бўлдикин деган хаялга бориб: — Ха энди, бориға барақа, — деб мингиллаб кўқолдим. — Мен сизнинг, — у тектик ва хушқол овозда давом этди, — ҳамма эшиттиришни тинглаб бораман, ашаддий муҳлисизингизман. Радио шунақа ҳажвий эшиттиришларни аллақачон бошлаши керак эди. Мен "раҳмат" дегандек бош силкиб, "муздагога ўбериш" дегандек ҳамсухба-

тимнинг кўзларига тикилдим. Зийрак одам экан, менинг мақсадимни дарров тушунди. — Шу десангиз, Фарходжон, мен ҳам ҳажвийга жуда қизиқман, ҳавасга машқ қилиш ҳам юрарман. Ушалардан бир-иккитасини олиб келгандим, кўриб бокисамиз деган ниятда. У пайтларда интермедия ёзадиганлар дерли йўқ эди, эшиттиришмишга материал тополмай ёмон қийналардик. — Қани кўрайлик, — дедим. — Э кўлини ташлаган, койилман сизга, ишни шарт-шурт қиларкансиз. Қайси газет-журналга бормай, ўқиб кўриб тайинли гап айтишмайди, эрта келинг, индин келинг деб мижровлик қилишадинг. — Менга айнан шу керак, очик гапдан хафа бўладиган номард, — деди Жамолдин ака. — Интермедияларининг эгани менга ёққан тарафи, ҳаммасида ҳажв бор, тили жонли, ширали. Лекин... калтиросоқ... кўсурларни ҳаддан ташқари бўрттириб юборгансиз. Буларни "Муштум" да бошиш мумкин, лекин бизники

радио, миллионлаб одам эшитишди, шунинг учун сал юмшатиш керак. Мана бу иккитасини, агар рози бўлсангиз, ўт-бўтини ташлаб, сайкал бериб фойдаланамиз. Қолганларини ишлаб келасиз. Жамолдин ака ёш болалардек қувониб кетди, ўриндан туриб қафтини очди. — Э кўлини ташлаган, койилман сизга, ишни шарт-шурт қиларкансиз. Қайси газет-журналга бормай, ўқиб кўриб тайинли гап айтишмайди, эрта келинг, индин келинг деб мижровлик қилишадинг. — Менга айнан шу керак, очик гапдан хафа бўладиган номард, — деди Жамолдин ака. — Интермедияларининг эгани менга ёққан тарафи, ҳаммасида ҳажв бор, тили жонли, ширали. Лекин... калтиросоқ... кўсурларни ҳаддан ташқари бўрттириб юборгансиз. Буларни "Муштум" да бошиш мумкин, лекин бизники

МЕН БИЛАГАН


да, аслида кўп зукко ва зийрак, эҳқи ўтир, хар соҳадан хабардор, билимдон, фозил инсон эди. Ким билан битта сўхбатлашса қандай одамлигини аниқ айтиб бера оларди. Алп Жамол теша тегмаган гапларини топишга уста эди. Айни пайтда унутилиб кетётган сўзларини тилимизда қайта тиклашга катта ҳисса қўшди. У ҳеч қачон илмий, расмий тилда ёзмади, сўзлашмасди. Емон кўргани балан-дарров, жимжамдор, тумта-тумт жумлалар, сафсатабозлик эди. Сафсатабозларга дуч келиб қолса... бу ҳақда яхшиши битта мисол келтира қолай. Бир кун радио ходимлари ва иккита адабиётшунос олим оғайнимиз билан чойхонада ош қилдик. Ошлаш — Жамолдин ака, биз — гўлоҳ, Аслида у одам ҳамма ишни ўзи эпларди, қозон бошида зерикиб қолмасди, учун мени ёрдамга чақирганди. Сабзи-пизгани босгандан

кейин улфатлар орасига келиб ўтирдик. Олимларимиз озгина қизишиб олганларидан сўнг адабиёт назарияси ҳақида ваъзхонлик қилишга тушиб кетдилар. Орадан бир соатча ўтганди чоғи, Жамолдин ака менга қараб: "Бўёққа юринг!" ишорасини қилди. Олдими-кетин қозон тепасига бордик. — Ун минутдан кейин ошини очиб сузиб берасиз, — деди Жамолдин ака, — мен кетдим. Ажабланиб унга бокдим. — Маҳмаданларингиз ошини ҳам мажлиси айлантириб юборишди, — қулди Жамолдин ака, — менинг акли гапларга тобим йўқ, юракни сикворишди. Хар нарсанинг ўз мавриди бор, бир озгина алжишиб даф олгани келганими, фалсафа сўкишга бало борми, падали курсур? Мени сўраб қолшиса, ёзувчи одамсиз, бирор баҳона тўкиворарсиз, — деди ранжиб. Ҳа, у ўзини доно курсатиши, лўтибозлики, олиф-тагарчиликни ёмон кўрадди.

Кеккайиш, шилиниш — жолхлик белгиси, улўғ ва олижаноб инсонлар оддий бўлади, дерди ва шунга амалдан табиатли қилиб қирқиб бизни меймон қиларди. Емалганимизга қўямасди, йўқ, яланинг-ёлвормасди, гўёк бу оқватни емаслик гуноҳдек бўйруқ оҳангда кистарди. Есангиз суноруди. Унинг мана шу сикдиқилдан қилган меймондўстлиги, самийи муносабати туфайли кирганимизда кўзимга кўрмисизгина кўринган ҳовли-жой пироворонда жуда ҳам файзли қошонада айланди.

Алп Жамолнинг ижоди энг гуллаган пайт телевизион миниатюралар театрида ишлаган йилларига тўри келди. Уша кезларда миниатюра театри энг оммабон ва томошабон кўрсатувлардан бири эди. Ва энг асосийси, мазкур кўрсатувини тайёрлайдиган тахририятда жойиб ижодий мунд ҳукмор эди. Кўрсатувини ташкилотчиси Элвек Му-

Қодиржон СОБИРОВ, журналист



МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Хиндистонга қарашли Кашмирнинг муҳим сиёсий сепаратист иттифоқи — "Бутунлартия хуррият конференцияси" бу ҳафта Хиндистон ҳукуматининг отишувларни тўхтатиш ҳақида музокараларни давом эттирди.

ЖАНГОҲГА ТАШРИФ

Индонезия президенти Абдурахмон Воҳид сешанба кuni мамлакатнинг Ачех провинциясига келди. Провинциянинг пойтахти Банда-Ачехда бир неча ойлаб Хавфсизлик кучлари ва Озод Ачех ҳаракати вакиллари ўртасида янгилашган курашлар давом этапти.

ЗИДДИЯТГА ИШОРА

Душанба кuni AQSH президенти Билл Клинтон Европа Иттифоқининг янги Airbus лойиҳасини ишлашга қаратилган молиявий ёрдам AQSH ва Европа Иттифоқи ўртасида зиддият туғдиришига ишора қилди.

INTERNET хабарлари асосида Дилнора АЗИМОВА тайёрлади

ИҚТИСОДИЙ АПОКАЛАР ОКСАМОҚДА

Сешанба кuni Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Мамдуҳ Шавкий билан матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги иқтисодий, маданий, таълим ва ҳуқуқ соҳаларидаги алоқалар ва элчиҳона фаолияти тўғрисида гапирилди.

Зухра БОБОХЎЖАЕВА, ЎЗДЖТУ толибаси

ЭЪТИРОФ

БОҚИЙ ЭЪТИҚОД ШАЙДОЛАРИ

Москвадаги "Спутник" нашриёти адабиётшунос Игорь Ермаковнинг "XV-XX аср рус адабиётида ислом" китобини чоп этди

Мазкур адабий тадқиқотда муаллиф россиялик ижодкорлар насли ва шеърятига хос бўлган жиҳатларни кашф этган.

XV асрнинг иккинчи ярмида рус савдогарлари, саёхлари ва элчилари "Муҳаммад" эътиқоти ҳақидаги ўз таассуротларини эълон қила бошлаганлар. Гарчи насроний киши исломни улуғлаши дуруст эмас деган ақида ни унутмас-да, Афанасий Никитин "Уч денгиз оша" китобида мусулмонлар ҳаётини бир қадар ҳақоний тасвирлайди.

Келиб чиқалиш Олтин Ўрдада мисрлик қилган Бағримга бориб такаладиған ва болалиги Қозон шаҳрида ўтган Гаврил Державин биринчилардан бўлиб ислом дини хусусида эҳтиром билан мулоҳаза юритган.

Бошқа рус шoirлари ўз асарларида насроний ва мусулмон кишини бир-бирига нима яқинлаштириши мумкинлиги ҳақида фикр юрита бошладилар.

ри ва Шарққа ихлос қўйган Европа шoirларининг асарлари таржима қилина бошлади. Сентиментализм гуллаб-шанаган даври рус шoirлари асарлари орасидан китоб муаллифи Павел Катениннинг "Каптар уяси" номили шеърли кассисини алоҳида эътибор билан тилга олади.

Мусулмон маданияти рус шеърятининг даҳоси Александр Пушкини ҳам илҳомлантиргани кўпчиликка яхши маълум.

Ўрдада мисрлик қилган Бағримга бориб такаладиған ва болалиги Қозон шаҳрида ўтган Гаврил Державин биринчилардан бўлиб ислом дини хусусида эҳтиром билан мулоҳаза юритган.

Мусулмонлар ҳаёти

ҳақида Бестужев-Марлинский, Полежаев сингари декабристлар ("Амаллат-бек", "Харам", "Султон" ва бошқалар) ҳам ёзишган. Мусулмон Шарқи образининг мафтункор гўзалликлари билан Лермонтовнинг кўпгина асарлари учун илҳом манбаи бўлган.

Ислом ва мусулмон цивилизацияси рус файласуфи Владимир Соловьёвнинг гоятда улкан аҳамият касб эттишини таърифлай туриб, "Ислом ривожланмаган тақдирда ҳам, у муттасил тарқашдан сира тўхтамайди, зеро инсоният Куръоннинг сuti, яъни руҳий озғаникка ҳаммиса муҳтожлик сезади..." деб ёзди.

Лев Толстой Куръони қарим ва араб маданиятини оқсак қадрлаган. У ислом аъёнана ва Пайгамбар ҳаёти ва шахсиятини қўрқиб ўрганган.

XX аср бошларида келиб

Шарқ дунёси ёзувчилар учун фақат сехрар ва афсонгалар мавзуси—"объекти" эканлигига чек қўйилди. Иван Бунин насрий ва шеърли асарларида исломнинг асосан боқий мавзуларига мурожаат этди.

Китобдан ўрин олган "Олтин мудроқ Осиё", "XX аср рус дарवेशлари", "Рус адабиётининг ал-Қадр кечаси" боблари номлари танилмаган шoir ва ёзувчилар ижодига бағишланган.

Ш.ҒОЙИПОВА таржимаси

"ЯНГИ ЙИЛДА МЕН..."

Фаол муаллифларимизнинг ниятлари

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ:



Чет элларда компьютерлар тобора такомиллашиб бораётгани, инганинг учу билан тенг бўлган электрон чигга бутун бошли энциклопедияни жойлаштиришга эришилгани ҳақидаги хабарларни бундан 25 йилча аввал ўқигандим.

Биргина интернет тармоқининг яратилиши ва сўнгги 5-6 йил ичида дунёни забт этиши кўрраи замин микросидаги ахборот алмасхувида инкилобий ўзгаришларга олиб келди.


XX аср охирига келиб, параболик антенналар сони ёмиғридан кейин чикқан кўзиқорин каби кўпайиб кетди.

Ҳозирда шакар керагидан кўп қўйилса мейдага тегишига ўхшаб, мамлакатимиздаги ОАВда мактов-у мадҳиялар кўпайиб кетгани ўқувчиларимизга ёқмайпти, чамаси.

Бирова ёқар, бошқасига ёқмас — юқорида айтиб ўтилган илмий-техникавий тараққий мевалари секин-аста юртимизга ҳам кириб келмоқда.

Янги асрда "Хуррият" саҳифаларида кўпроқ ўзбек тилининг жамиятимиздаги ўрнини кўтаришга, фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари савиясини оқсатиришга, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилувчи танқидий фикр-мулоҳаза ва тақлифлар, шунингдек, халқаро ҳаётга оид мақолаларимни ёритиш ниятидаман.

Абдуракул ҲАКИМОВ:




Мен 1940 йил Тошкент вилоятининг Ҳасанбой қишлоғида тутилганман. 1964 йил Беньков номли расомлар билим юртини тамомлаганман.

Ҳажвчи ёзувчилар турли қизиқ хангомалар ёзиб, аскиячилар қизиқ сўз уйинлари билан одамларни қулдиришади.

ПИРАМИДАЛАР ХАТАРЛИМИ?

Миср пирамидаларида радиоактивлар бор эмиш деб эшитдим. Шундайми? М.МИРҒИЁСОВ Тошкент шаҳри

"Популар сайенс" (AQSH) журналида ёзилишича, мисрлик ва америкалик мутахассислар бир неча Миср пирамидаларининг ички хоналарида радон радиоактив газининг микдорини ўлчашганлар.



Н.НОМОЗОВА тайёрлади

ХИҚМАТ СУВ БИЛАН БОҒИҚ ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Сув келтирган — элда азиз. \*\*\* Сув — зар, сувчи — заргар. \*\*\* Ишим битгунча, эшагим сувдан ўтгунча. \*\*\* Йўловчининг эшагини сўғору пулини ол. \*\*\* Бой бойга боқар, Сув сойга оқар. \*\*\* Ер деҳқоннинг онаси бўлса, Сув — отаси. \*\*\* Одамни гап бузади, Ерни — сув. \*\*\* Тушингни сувга айт. \*\*\* Сув келди — нур келди. \*\*\*

Тома-тома кўл бўлур, Томмай қолса — чўл бўлур. \*\*\* Оққан дарё оқаверади. \*\*\* Томчи тошни тешади. \*\*\* Оғзи куйган сувни ҳам пуфлаб ичар. \*\*\* Боғни қишда кўл қил, Ўзда чўл қил. \*\*\* Ер-сув — битмас кон. \*\*\* Ер — хазина, Сув — гавҳар. \*\*\* Қариз суви — жон суви. \*\*\* Ерни бузадиган ҳам сув, Тузадиган ҳам сув. \*\*\* Сув қатраси — дур қатраси. \*\*\*

Ф.КОМРОН тўғлади

АЛШ ЖАМОЛ

саев, биринчи актёрлар Ҳасан Йўлдошев, Садир Зиёвуддинов, Роза ва Эргаш Каримовлар ўзбек эстрада санъатида янги жанр бунёд этгандилар.

инсон. Айнан шунақа инсонларни ёқтирарди Алп Жамол. Бу гапларни айтишдан мақсад — Алп Жамол театрининг миниатюралар театрини элга машхур қилишга катта ҳисса қўйган ижодкорлардан бири эканлигини таъкидлаш.

Жамолдиндин ака фикр-мулоҳазаларни оғринмасдан эшитарди, маълумки оларди, маълум бўлмас калласини кессангиз ҳам қабул қилмасди. Ўжар эди. Яхши маънода ўжар эди, ўз билганидан қолмайдиган, олдиға қўйган мақсадга албатта эришадиган ўжарлардан эди.

бирга қайтдик. Секин судралишиб (у одам сира шошилмасди, ҳовлиқмасди, ҳаммиса ваэини эди) Шайхонтахур бекага чикдик. Муюлишда муниқиллаб қолган бир мўйсафиди писта ва сигарет сойиб ўтирган экан. Жамолдиндин аканинг чолға кўзи тушиб, бироз тўхтаб қолди. Нихоят: — Отахон, молингизнинг туршини қанча? — деб сўради.

кўтариб йўлга тушди. Нарироққа борганимиздан кейин қилмишини менга тушунтирмоқчи бўлди. — Боекчиға раҳимин келди, қари одам қоронги тушиб қолганиға қарамай тирикчилик деб ўтирибди, — деди сал кўнгли бузилиб.

лан иши йўқ эди), ўзини доим бахтиёр ҳис қилар, сира ҳаётиндан нолимасди, негаки, у ҳеч кимга тобе бўлмай яйраб, эркин, ўз билганича яшарди.

Advertisement for 'ХУРРИЯТ' newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of authors.

